



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
DAVLAT RA'YI  
RO'YXAT RAQAMI: 2696-1  
17 yil 10 oktabr

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOShQARUVINING QARORI

**Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эхтимоллий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сон қарори (рўйхат рақами 2696, 2015 йил 14 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 28-сон, 374-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эхтимоллий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси



*М. Нурмуратов*  
М. Нурмуратов

Ташкент ш.,  
2017 йил “23” сентябрь,  
26/6 - сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2017 йил 23 сентябрдаги  
26/6–сон қарорига  
илова

**Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимоллий  
йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш  
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбоши еттинчи хатбошиси деб ҳисоблансин.

2. 7-боб ўз кучини йўқотган деб топилсин.

